

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар	6
---	---

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов Индивидларнинг умр кўриш давомийлиги ҳақида	11
В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова Фарғона водийси қумли даҳалар тупроқлари	14
А.Махсумов, Б.Исмаилов 1-фенил азонафтол-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши	20

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши	24
С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомлексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари	29

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

И.Носиров Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари	33
С.Хусанбоев Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари	40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ў.Аҳмедова Таълимнинг ижтимоийлашувида маънавий тарбия масаласи	44
---	----

ТАРИХ

О.Маҳмудов Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар	47
С.Юлдашев Фарғона сомоний волийлар бошқаруви даврида	53
А.Атаходжаев Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири	61
И.Фуломов 1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир	67
А.Алохунов Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар	73
В.Абиров Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши	77
Ш.Холикулов Россия империяси суд-ҳуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти	84
Ш.Усанов Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари	89

УДК: 33+796.5+640.241

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ
SOME ISSUES OF THE DEVELOPMENT OF SECTOR OF TOURISM

Хусанбоев Садафбек¹

¹Хусанбоев Садафбек

- Фарғона давлат университети, ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда туризмдан инновацион ривожланишнинг муҳим омилли сифатида самарали фойдаланиб, илм-фан технологияларини янада ривожлантириш асосида ташқи ва ички туризмни тараққий эттириш, туризмда таълим ва илм-фаннинг салоҳиятини ошириш йўллари, мавжуд муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы развития внешнего и внутреннего туризма в Узбекистане путем дальнейшего развития научных технологий на основе эффективного использования туристической отрасли как важного фактора инновационного развития, пути повышения потенциала образования и науки в туризме, проблемы и пути их решения.

Annotation

The article considers ways to improve the development of foreign and domestic tourism on the basis of further development of science and technology, effective use of tourism as an important factor of innovative development in Uzbekistan, ways to increase the potential of education and science in tourism, existing problems and solutions.

Таянч сўз ва иборалар: туризм, туристик иқтисодиёт, меҳмонхона, туристик соҳа, объект, хостел, саёҳат, оилавий уй меҳмонхона, инновация.

Ключевые слова и выражения: туризм, туристическая экономика, гостиница, туристическая отрасль, гостевой дом, инновация.

Key words and expressions: tourism, tourism economy, hotel, tourism industries, guest house, innovation.

Мамлакатимиздаги ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун муносиб сервис хизмати ва туризм инфратузилмаларининг янгиларини барпо этиш ва мавжуд объектларини модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айнан ана шу эътибор туфайли республикамиз иқтисодиётига ҳар йили янги-янги тадбиркорлик субъектлари кириб келяпти, кўплаб иш ўринлари яратилляпти. Шу муносабат билан туризм соҳасида хизматлар экспорти, турлари ва ҳажмининг янада ортишида миллий ва хорижий банкларнинг молиявий кўмагининг ҳиссаси ҳам муҳим аҳамиятига эга.

Мамлакатимизда туризмни янада ривожлантиришга ўз фаолиятини йўналтирган тадбиркорликни юксалтиришга бўлган эътибор натижасида ушбу соҳада тадбиркорлик субъектлари йилдан-йилга ривожланиб борапти. Бу туризм соҳаси ўзининг иқтисодиётдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан

давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётида тараққий этиши орқали тобора муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Туризм туфайли ёрқин ва ижобий таассуротларга бой бўлиш инсонлар учун ҳамиша завқли ва ижодий бўлган. Мамлакатимизда бой миллий-маданий мерос – тарихий объектлар, хилма-хил табиий объектлар ва хорижий давлатларга ташриф ва саёҳатлар, ноёб табиат ёдгорликлари жозибасидан баҳраманд бўлиш, қариндош-биродарларининг ҳол-аҳволдан хабар олиб бориш, билимларини ва кўрган-кўникмаларини янада бойитиш, шулар билан бирга саломатлигини мустаҳкамлаш, янги-янги дўст- биродарлар топиш кабилар саёҳатга чиқишга ундовчи ва қизиқтирувчи омиллар мавжуд. Аммо, жаҳонда глобал миқёсда инқирозли ҳолатлар бўлишига қарамасдан вужудга келган кўринмас “душман” корона-вирус пандемияси ички ва ташқи туристик хизматлар кўрсатиш жараёнларини тубдан

ИҚТИСОДИЁТ

такомиллаштириш, янгилаш талаблари ва эҳтиёжларини юзага келтирмоқда.

Мазкур талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги “Туризм, маҳаллий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан, республикада фаолият кўрсатиб келаётган туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида “Ипак йўли” туризм халқаро университети базасида “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро Университети қайта номланди. Унинг асосий мақсади ва вазифаси республикадаги туризм, маданий мерос ва музейшунослик тармоқларида халқаро стандартларга мос ва хос узлуксиз таълим тизимини ва тарбияни янада такомиллаштириш, меҳнат бозорига жаҳон бўйича рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнини йўлга қўйиш асосида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ҳамда хизмат кўрсатишнинг интеграциясини мустаҳкамлаш ҳамда таъминлашдан иборат эканлиги белгиланди.

Шу муносабат билан янги университет Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм, маданий меросни бошқариш ва музейшунослик соҳаларида кадрлар тайёрлаш таянч олий таълим муассасаси ҳамда ушбу соҳаларни илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш бўйича олий даргоҳга айлантирилади. Бу даргоҳнинг мавжуд имкониятларини ва ресурсларини янада мустаҳкамлаш, ошириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Шаҳрисабз, Марғилон ва Хива туризм ва сервис коллежлари негизида олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган Маданий мерос техникумлари очилади. Самарқанд туризм ва сервис техникуми, Самарқанд туризм ва маданий мерос техникуми, Бухоро туризм техникуми эса Бухоро туризм ва маданий мерос техникуми, деб қайта номланди ва Марғилон туризм ва маданий мерос техникуми очилади, уларга юридик мақомда фаолият юритишга рухсат берилади. Шулар билан бирга туризмни янада тараққий эттирадиган институт, маданий мерос техникумлари, Андижон, Зомин, Бўстонлиқ туризм ва сервис

коллежлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллежи Университет ихтиёрига ўтказиб берилади. Шу пайтда Тошкент туризм ва сервис коллежи негизида янги таълим муассасасининг Тошкент филиали ташкил этилди. Туризм мақсад ва вазифаларини янада рўёбга чиқариш учун “Ипак йўли” давлатлари тарихи, санъати ва цивилизацияларини илмий тадқиқ этиш ва уни бутун дунёга намойиш этиш мақсади ва вазифалари ҳам кўзда тутилган. Буларни амалга ошириш учун янги “Ипак йўли” Университети тизимида Халқаро тадқиқот институти, музейи, арт-резиденция, санъат галереяси ҳамда реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази йўлга қўйилади.

Мамлакатимизда туризм ва маданий меросни ўрганувчи ва ўргатувчи малакали кадрларни етиштириш мақсадини тўлақонли амалга ошириш учун туризм, маданий мерос ва музейшунослик тармоқларидаги истиқболли мутахассислар, айниқса, педагоглар, илмий кадрлар ва реставраторларни танлаш ва уларнинг таълим олишини ташкил этиш учун “Эл юрт умиди” Давлат жамғармасининг 2020-2026 йилларда хориждаги нуфузли таълим муассасаларида туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналишларида докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш дастури жорий этилади. Бу таълим соҳасининг эътиборли томони шундаки, таълим доирасида 50 нафар иқтидорли мутахассис, 40 нафар магистратура, 10 нафар докторантура(PhD) босқичида таълим олади. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, юртбошимизнинг раҳнамолиги ва ғамхўрлиги туфайли бу қарор асосида туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳалари учун рақобатбардош кадрларни тайёрлаш орқали мазкур йўналишни янада тараққий эттириш ва халқимиз манфаати йўлидаги мақсаддир.

Алоҳида қайд қилиб ўтиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ва Республика Бош прократураси томонидан мамлакатимиз ҳудудлари бўйича сўнгги 3 йил (2018-2020)да 320 та моддий-маданий мерос объектида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишлари харажатлари ўрганилганда, кўплаб қонунбузилиш ҳоллари аниқланганлиги маълум бўлди. Масалан, туристларни кўп қизиқтирадиган жозибали Ситораи Моҳихоса

тарихий мажмуасида реставрация ишлари нотўғри олиб борилганлиги натижасида, унинг бадиий безаклари, нақш, кошнлар нобуд қилиниши тарихий ва бадиий қиймати жами 28 миллион сўмга тенг зарар етказилган. Ушбу ва бошқа қонунбузилишлар оқибатида моддий-маданий меросларни туристларнинг кўриб томоша қилиш имконияти чекланганлиги мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир етказди.

Шунингдек, ўтган сўнги 30 йил давомида археологик тадқиқотлар натижасида топилган ноёб ашёларнинг давлатга топширилиши ҳам етарлича назоратга олинмаган ва ҳисоботларда йўқ, мутасадди ташкилотлар томонидан топилган ашёлар етарлича илмий таҳлил қилинмаган. Масалан, топилганларидан 4 минг 712 та ашё давлат рўйхатидан ўтказилмаган [1].

Сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислохотлар туризм ва саёҳат соҳасини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, туризм соҳасининг тараққиёт стратегияси талаби йўналишида комплекс ривожланишига айлантиришдан иборат комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқарилган.

Мамлакатимиз ва ҳудудлардаги туризм соҳасида фаолияти йўналтирилган субъект ва объектларнинг илмий таҳлили шундан дарак берадики, 2019 йилда республика статистикасида келтирилган маълумотларга кўра, мамлакатимиз туризм индустрияси субъектлари томонидан 6 миллион 700 минг хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатилган. Аввалги йилдаги кўрсаткичнинг пасайишига сабаб 2020 йилдан қатъий карантин чекловлари оқибатида 1 миллион 504 минг, 2021 йил 9 ойи давомда 761 мингдан зиёдроқни туристлар ташкил этди. Олиб борилган таҳлилларга кўра, 2020 йилда узоқ хориж мамлакатларидан Ўзбекистонга жами 83 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, бунда мусулмон сайёҳлар 59 нафарни ташкил қилган. Ташрифлар сони ўз навбатида, туризм хизматлари экспортининг ортишига олиб келади. 2016 йил кўрсаткичлари билан таққосланганида 2019 йилда туризм хизматлари ошиб, 1,3 миллиард АҚШ долларига етгани бу жараённинг тасдиғидир. Туризмда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган

чоралар натижасида 2021 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, туристик ташкилотлар сони 2016 йилдаги 484 тадан 1400 тага, жойлаштириш воситалари 750 тадан 1061 тага етган. 2018 йилдан келган туристлар учун оилавий меҳмонхона уйи ва хостеллар алоҳида рўйхатга олина бошланди. Шу усул билан 2021 йил сентябрига келиб оилавий меҳмон уйлари 106 тадан 1730 тага, хостеллар 30 тадан 258 тага ошди.

Туризмнинг юксалиши ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодиёт соҳалари ичида туризм иқтисодиёти муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида бу соҳага ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромаднинг асосий қисмини ташкил этишда кўриш мумкин, хусусан, АҚШ нинг миллий даромадида туризм ҳар йили 65,1 миллион доллар, Испанияда 41, 7 млн доллар, Францияда 36,6 млн. долларни ташкил этади. Экспертларнинг аниқлашларича, бу соҳага сарфланган харажат 4-4,5 доллар даромад келтириши мумкин[2].

Бу юқорида келтирилган давлатлар амалиётида ўз тасдиғини топган. Туризм халқаро ташкилотининг маълумотларига асосан, туризм соҳасида дунё аҳолисининг 73-74 млн. нафар киши фаолият кўрсатади. Бу эса умумий иш билан банд бўлганлар сонининг 3-3,2 фоизини ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич йилига бу соҳага инвестицияларнинг 7-8 фоизи, истеъмол харажатларининг 11-12 фоизи тўғри келади.

Дарҳақиқат, туризм соҳаси давлатнинг иқтисодий юксалишини таъминловчи соҳалардан бири эканлигини кўриш қийин эмас. Туристларнинг мамлакатимизнинг тарихий ёдгорликларига, удум-анъаналарига, сержилва ва жаннатмакон табиатига қизиқишлари уларни Марказий Осиё давлатларига ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 ноябрдаги 497-сонли “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги қарорига асосан кўплаб туристик фирмалар фаолияти изга тушиб, ривожлана бошлади. Бу жараёнда эса пул тушумлари манбаси ва халқаро усулда туризм бозор иқтисодиётига ўтишнинг янги механизмини жадаллаштирди. Бу туристлар учун меҳмонхона, оилавий уй меҳмонхонаси,

ИҚТИСОДИЁТ

хизмат турларини ошириш ва хизмат кўрсатишни янада яхшилашга олиб келади.

Ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда туризм тўғрисида маълумотлар тарқатиш усулларида унумли фойдаланиш йўллари излаб топиш, бу ишларга кўпроқ ахборот тарқатишни ривожлантиришга қулай замин яратади.

Ўзбекистон туризм ривожини учун барча ресурсларга эга мамлакат ҳисобланади, аммо кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни яхшилаш; меҳмонхоналар хизмат курсатиш сифати даражасини яхшилаш; туристларни транспорт билан таъминлашни яхшилаш; мамлакатимиз ҳудудларида, хусусан, Фарғона вилоятида янги замонавий меҳмонхоналар қуриш, мавжудларини замонавий даражада таъмирлаш; ресторанлар қуриш ва улардаги хизмат турларини диверсификация қилиш каби муаммолар ҳали юқори халқаро даражада ўз ечимини кутмоқда.

Кадрларни ўқитиш, тайёрлаш туризм ривожига муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун:

- ўқув-таълим жараёнини амалиёт билан интеграциясини яқинлашган ҳолда олиб бориш;

- кадрлар муомала маданияти даражасини ошириш;

- меҳмонхона ходимларига “меҳмон-қирол” қоида-тамойилига қатъий риоя қилишни таъминлаш;

- меҳмонхона маркетинг бўлиmidан кенг фойдаланиш, жумладан, реклама бериш воситаларидан унумли фойдаланиш;

- янгиликлар, ноу-хаулар кенг имкониятлар эшигини очиш;

- реклама эълонларини ташкил қилганда объектнинг аҳамиятли томонлари, яъни хизматлар нархини сарлавҳага боғлаб кўрсатиш;

- рекламага аниқ фактлар асосида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга бошқа ижобий томонлар ўрнида алоҳида таъкидлаш лозимки, бу соҳада ижодкорлик соҳаси ҳисобланади ва яна шу соҳада ишлаётган ҳар бир ходим меҳмоннинг кўнглини олишнинг турли йўллари иш жойида турист ўйлаб туриб, уларни кейинги таътил саёҳатида ҳам шу ерга келишга жозибадор шароит яратиб бериши керак.

Адабиётлар:

1. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 30 сентябрь.
2. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 2 ноябрь.
3. “Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларининг минтақавий ечими” республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2015.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2016 йил.
7. Мирзаев А.Т. Турист-рекреация фаолиятини бошқариш ва уни ривожлантириш истиқболлари –Т.: Ўзбекистон, 2020.
8. Ушаков Д.С. Экономика туристической отрасли. Учебное пособие. Ростов-на-Дону. Март Феникс, 2010.
9. Сафаров Б.Ш. Турист хизматлар бозори истиқболини аниқлашнинг инновацион усуллари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали Т.: 2017. 4-сон.

(Тақризчи: А.Фофуров – иқтисод фанлари доктори, профессор)